O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 27 июнь, № 126 (4536) Жума


# БОШ МЕЗОН — ИНСОН МАНФААТЛАРИ

## Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси очилади

***Унда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ҳамда модернизациялаш вазифаларини изчиллик билан ҳал қилишда муҳим роль ўйнайдиган қатор қонунлар ва масалалар парламент юқори палатаси аъзолари томонидан муҳокама этилади.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ялпи мажлис арафасида, 2008 йил 26 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф. Муҳитдинованинг ўн тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар юзасидан ахборотини тингладилар ҳамда маълумот учун қабул қилдилар.

Қўмита раислари навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритиш мўлжалланаётган қонунлар юзасидан хулосалар, бошқа масалалар юзасидан эса қарорлар тайёр эканлигини маълум қилдилар, ялпи мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

* * *

Шу куннинг ўзида Сенатнинг олтита қўмитаси ўз мажлисларини ўтказди, уларда ўн тўртинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилаётган масалалар муҳокама этилди.

Қўмиталарнинг мажлисларида сенаторлар юқори палатанинг бўлажак ялпи мажлисига ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, кичик бизнесни, қимматли қоғозлар бозорини, ижтимоий ва илмий-техника соҳасини янада равнақ топтириш учун мақбул шароитлар яратишга қаратилган қонунлар киритилмоқда, деб қайд этдилар.

Таъкидланганидек, Сенатнинг ўн тўртинчи ялпи мажлиси маъқуллаши учун "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни киритиладиган бўлди. Сенаторлар, хусусан, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадини кўзловчи мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг бамавридлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Маъқуллаш мўлжалланаётган қонунлар орасида Ўзбекистон Республикасининг айрим халқаро шартномаларга қўшилиши тўғрисидаги ҳужжатлар алоҳида ўрин тутади. "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги ҳамда "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг маъқулланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликлари изчил асосда пухта ҳимоя этилишини таъминлаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотларни умум эътироф этилган халқаро принциплар ва стандартларга жавоб берадиган тарзда чуқурлаштириш йўлига мамлакатимиз тарафдор эканлигини яна бир карра тасдиқлайди, деб айтилди. Таъкидланганидек, ана шу халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиш Ўзбекистон Республикасининг бу соҳадаги халқаро ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Мажлисларда сенаторларнинг 2008 йилнинг ўтган давридаги ишлари якунлари ҳам кўрилди ва Сенат қўмиталари фаолиятини янада такомиллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.**



### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

***Юқори палата аъзолари икки кун давомида мамлакатимиз тараққиётини мустаҳкамлаш ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган қатор қонун ҳужжатларини кўриб чиқиб, муҳим масалаларни муҳокама қиладилар. Мухбиримиз уларнинг айримлари билан учрашиб, бугун очиладиган ялпи мажлис кун тартибидаги масалалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.***



Т. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

**Дилбар ШАРИПОВА, Когон марказий касалхонаси бош шифокори, Сенат аъзоси:**

— Бугун сенаторлар эътиборига ҳавола этилаётган қонунларнинг аксарияти амалдаги кўпгина қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади. Ўн тўртинчи ялпи мажлисда маъқуллаш учун кўриб чиқилаётган "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ҳам ана шулар жумласидандир. Унга мувофиқ, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва иш берувчиларнинг ногиронларни иш билан таъминлашдан манфаатдорлигини ошириш, шунингдек, Қонун нормаларини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг талабларига мувофиқлаштириш кўзда тутилмоқда. Давлат ва нодавлат ташкилотларининг бу борадаги ваколатлари янада аниқлаштирилмоқда.

Булар, табиийки, жисмоний имконияти чекланганларни фаоллаштиради, уларнинг жамиятга интеграциялашувини рағбатлантиради. Бу эса ногиронларга кенг имконият эшикларини очиши турган гап.

**Сулаймон ЎРОҚОВ, "Самарқанд автомобиль заводи" масъулияти чекланган жамияти бош директори, Сенат аъзоси:**

— Ростдан ҳам, бугунги ялпи мажлисда халқ хўжалигининг у ёки бу соҳасини қамраб олган долзарб масалалар кўриб чиқилмоқда. Чунончи, амалдаги қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётир. Уларда бугунги кун талаблари, янгиликларига оид нормалар акс этмоқда.

Мисол учун, "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни олайлик. Улар, ҳақиқатан ҳам давр талаб этаётган янгиликлардир. Чунки ҳозирги вақтда ихтиро сифатида муҳофаза қилинадиган объектлар рўйхатида умуман назарда тутилмаган ишланмалар (ген инженерияси объектлари, ташкил этиш ва бошқаришнинг техникавий усуллари ва ҳоказолар) ҳам пайдо бўлмоқда. Янги Қонун бу борадаги масалаларга ҳам ойдинлик киритиб, улар ҳам ихтиро сифатида эътироф этилади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилган қонунлар мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига, аҳолининг фаровонлигига, юртимиз тинчлигига, энг муҳими, инсон манфаатига хизмат қилади.

**Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.**



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

24 ва 26 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

"Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси А. Шукуров тақдим этди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг батафсил муҳокамасидан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Умарова "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Қонунчилик палатаси киритилган таклифлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

"Миллий музей фонди ва музейлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси О. Исаев тақдим этди. Ҳужжат ҳар томонлама муҳокама қилинди. Муҳокама чоғида депутатлар ҳужжатни такомиллаштиришга қаратилган барча таклифларни кўриб чиқдилар. Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси З. Убайдуллаев "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаси нормаларининг батафсил муҳокамасидан кейин киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда мазкур Қонунни қабул қилди.

Депутатлар Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Ҳотамовнинг маърузаси бўйича "Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар томонидан қонун лойиҳасининг айрим нормаларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқишни 2008 йил 1 июлда давом эттиради.

**(ЎзА).**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси 2008 йил 26 июнь куни "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Қорақалпоғистон Республикасида ижро этилиши масаласига бағишлаб мажлис ўтказди.***

## ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ижтимоий ривожланиш ҳамда давлат қурилишининг энг муҳим устувор йўналиши сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси қўшилган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бу йил аҳли жаҳон томонидан 60 йиллиги нишонланадиган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури доирасида Сенат қўмитаси "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Қорақалпоғистон Республикасида ижро этилиши масаласини ўрганиб чиқди.

Масалани муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар Қорақалпоғистон Республикасида мазкур Қонуннинг ижро этилишини таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлигини таъкидладилар. Давлат идоралари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари томонидан фуқароларни олис аҳоли пунктлари, қишлоқ ва овулларга бориб мунтазам равишда қабул қилиш изчил асосда йўлга қўйилган. Инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган сабаблар ва ҳолатлар вақтида аниқланмоқда, бу тахлит ҳуқуқбузарликларнинг олди олинмоқда. Вазирлик ва идораларда ишонч телефонлари ишлаб турибди. Фуқароларнинг мурожаатларида кўп учраётган муаммолар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг "Аму тонги" газетасида фуқароларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу чора-тадбирларнинг барчаси шикоят-аризалар сони камайишига ёрдам бермоқда, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнининг жадаллашувига таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, мажлис иштирокчилари фуқароларнинг мурожаатлари билан олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишга дахлдор мурожаатларни янада чуқурроқ, атрофлича ўрганиш зарурлигига эътибор қаратдилар. Мурожаатларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши жоиз эканлигига алоҳида урғу берилди. Муҳокама якунлари бўйича Қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Қўмита мажлисида сенаторлар, вазирликлар, маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси адлия ҳамда прокуратура органларининг масъул ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

## ҚАДИМ ЮРТНИНГ ШУКУҲЛИ БАЙРАМИ

***Хиванинг эски шаҳар қисмидаги «Ичан-Қалъа» мажмуасида «Кўҳна Хоразм маданияти – 2008» фестивали бўлиб ўтди. Тадбир «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Хива шаҳри ҳокимлиги ҳамда Хива бизнес ва сайёҳликни ривожлантириш маркази, «Coca-Cola» компанияси, Халқ университетлари немис уюшмаси (DVV International), Германия тараққиёт хизмати (DED), Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.***



Тадбир ташкилотчиларининг айтишича, бу йилги фестиваль 2005 йилда ЮНЕСКО бош котиби Коичиро Мацуура иштирокида ўтказилган «Қадимий Хоразм маданияти — Хива 2005» сайёҳлик ярмаркасининг мантиқий давоми бўлди.

Фестиваль доирасида Хоразм маданиятининг кўп қиррали ва ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи қатор тадбирлар ўтказилди. Уч кун давомида «Ичан-Қалъа»да турли фольклор ансамблларининг жўшқин рақс ва қўшиқлари янгради.

**▼ Дунё нигоҳи**

Анжуманда, шунингдек, Хоразм маданиятининг анъанавий йўналишлари — кулолчилик, ганчкорлик, кандакорлик, гилам тўқиш санъати намуналари намойиш этилган «Шарқ бозори» ярмаркаси ҳам бўлиб ўтди.

— Хива бўйлаб саёҳатимиз жуда ажойиб кечди, — дейди **Германиянинг Фраунхофер тадқиқот институти тадқиқотчиси Андреас Хазенфратц.** — Шаҳарнинг гўзаллигию улуғворлиги мени ҳайратга солди. Одамлар чеҳрасидан аримайдиган табассум ва самимий меҳмондўстлик эса ҳар бир сайёҳнинг қалбига иликлик бахш этади. Хива Шарқнинг бетакрор қадимий шаҳри, унинг мўъжизавий ганжинасидир. Бу ердаги ажиб бир муҳитни таърифлашга тил ожиз, уни фақат ҳис қилиш лозим.

(Давоми 2-бетда).

**▼ Мавсум**

***76 минг 258 гектар ерда ғалла етиштирган Андижон вилояти деҳқонлари давлатга 265 минг 830 тонна сара дон топшириб, бу борадаги шартнома режасини уддаладилар.***

## Андижонлик ғаллакорлар муваффақияти

Шунинг 98 минг тоннаси уруғлик буғдойдир. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар гектардан 60 центнердан ҳосил кўтарилди.

Бу кўрсаткичга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Бунинг замирида қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, деҳқонларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, энг муҳими, ер ҳақиқий эгасининг қўлига ўтгани каби омиллар мужассам.

(Давоми 2-бетда).

*Шу йилнинг 20 июни ҳаётимдаги энг эсда қоларли, унутилмас кун бўлиб қолди. Президентимизнинг Бухорога ташрифлари чоғида бир гуруҳ фермер ва фаоллар қаторида у киши билан учрашиш бахтига муяссар бўлдим. Ҳалиҳануз ўша учрашув, мулоқот таъсиридаман.*

# ҒАМХЎРЛИКДАН МИННАТДОРМИЗ

Юртбошимиз биз билан суҳбатда ёшлар таълим-тарбияси, уларга зарур шарт-шароит яратиб бериш кераклиги хусусида алоҳида тўхталдилар, бухоролик йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳияти ҳақида илиқ фикрларни баён этдилар. Очиқ, самимий руҳда кечган суҳбат давомида мен раҳбарлик қилаётган мактаб жамоаси фаолияти билан, кўнглимда қанақа хоҳиш-истак борлиги билан қизиқдилар. У кишининг самимий сўзлари мени тўлқинлантириб юборди. Кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдириб, янги ўқув йилида мактабимизда 103 нафар ўғил-қиз биринчи синфга қабул қилинишини, агар билим масканимизда уларни компьютер тўплами билан қарши олсак, айни муддао бўлишини айтдим. Бу фикрим Юртбошимизга маъқул тушди. Орадан кўп вақт ўтмай, мактабимизга Президент совғаси — компьютер тўплами туҳфа этилди. Қувончимизни бир кўрсангиз эди. Болажонларимиз энди биринчи синфдаёқ компьютер қаршисида ўтириб, хат-саводларини чиқарадилар, билимларини бойитадилар.

**Фахр**

Президент совғаси биз учун нақадар қадрли, табаррук эканини эса сўз билан ифодалаш мушкул. Бу совға Юртбошимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган ғамхўрлиги нишонасидир.

Энди икки оғиз сўз Қоровул қишлоғида жойлашган мактабимиз ҳақида. Билим масканимизда минг нафарга яқин ўғил-қиз таълим олаяпти. Ўтган йили битирувчиларимизнинг 80 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Мактабимиз биноси Умуммиллий дастур асосида таъмирдан чиқарилгани, зарур ўқув жиҳозлари билан таъминлангани ютуқлар замини бўлаяпти. Биргина ўтган йилда туманимиз бўйича битта мактаб мукаммал таъмирланди. Еттита таълим маскани капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди.

Бу эътибор, ғамхўрлик ўз самарасини кўрсатмоқда, албатта. Таълимда тобора яхши натижаларга эришиб бормоқдамиз. Шу йилнинг баҳорида Тошкентда ўтказилган 42-Халқаро Менделеев олимпиадасида жондорлик ўқувчилар — Азизбек Ҳайдаров ва Муҳриддин Шаҳриев фахрли учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали билан тақдирландилар. Республика фан олимпиадасида вилоятимиз ўқувчилари тўққизта совринли ўринни эгаллаб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни банд этишгани ҳам диққатга моликдир. Бир сўз билан айтганда, мақсадимиз бугунги олиб борилаётган ислоҳотларга муносиб бўлишдир.

**Фотима ЭШМУРОДОВА,**
**Жондор туманидаги 25-мактаб директори.**

# ҚАДИМ ЮРТНИНГ ШУКУҲЛИ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хивага ўз оила аъзолари билан келган Токиодаги компанияларнинг бирида **маслаҳатчи-инженер** бўлиб ишловчи **Хироко Касаи** хоним ҳам таассуротлари билан ўртоқлашди:

— Юз бор эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, деган гап бежиз эмас. Хива — қараб тўймайдиган, ҳар бир ёдгорлигида чексиз маъно-мазмун мужассам бўлган очиқ осмон остидаги музейдир. Шаҳар ичидаги обидалар бир неча асрлар муқаддам барпо этилган бўлишига қарамай, ўзининг асл кўринишини сақлаб қолгани ҳайратланарлидир. Мен Самарқанд ва Бухорода бўлган эдим. Энди эса Хоразм воҳасининг бой тарихи ва қадимий маданияти билан танишиш имкониятига эга бўлиб турибман. Бу шаҳарларда меҳмонларни қанчалар самимий ва илиқлик билан кутиб олишларини кўриб, жуда таъсирландим.

Хиваликлар ўз она тупроғини ниҳоятда ардоқлашади. Улар ватан равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб, кўҳна шаҳарларининг ниройи ва тароватини сақлаб қолиш, оилавий анъаналарни янада бойитиш, миллий ўзликни қайта тиклаш йўлидан бормоқда. Хива бугунги кунимизга қадар халқ амалий санъати юксак қадрланиб, асраб-авайлаб келинаётган дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланади. Миллий ҳунармандчилик асрлар оша отадан фарзандга ўтиб келаётган касб сифатида бугун ҳам ардоқланиб келинмоқда.

Фестивалда халқ амалий санъати усталари томонидан тайёрланган маҳсулотлар намойиш этилди. Кўп қиррали миллий анъана ва урф-одатлар, жумладан, халқ ўйин ва мусобақалари меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. «Арқончи» меҳмонхонаси қаршисидаги майдонда қўчқор ва хўроз жанглари, миллий кураш мусобақаларининг намойиши бўлиб ўтди. «Келин салом», «Бешик тўй» ва «Лачак тўй» каби миллий маросимлар томошабинларда унутилмас таассурот қолдирди.

**Насиба СОБИРОВА,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**

# ЭЗГУ ФИКР, ЭРКИН СЎЗ САЛМОҒИ

***Ўзбек журналистикаси истиқлол йилларида кўзга кўринарли ютуқларга эришди. Табиийки, бунда мамлакатимиз Президентининг оммавий ахборот воситаларига бўлган чексиз ғамхўрлиги ва эътибори муҳим ўрин тутади. Юртбошимиз ҳамиша журналистларни бунёдкорлик ишларини ҳаққоний ёритиш ва айни пайтда мамлакатда амалга оширилаётган буюк ўзгаришларга тўсқинлик қилаётган камчиликларни холисона таҳлил этишга чақириб келмоқда. Зеро, мустақиллик туфайли тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилган оммавий ахборот воситалари ва уларда фаолият кўрсатаётган журналистлар илғор ва янгиликларга интилувчи, ташаббускор ва изланувчи куч сифатида шитобли жараёнлардан четда туриши мумкин эмас!***

***Бугун ана шу ижодий куч соҳибларининг байрами — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни. Байрам муносабати билан биз Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод ҒУЛОМОВга ўзбек матбуоти тараққиётига дахлдор бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.***



Т. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

— Ўзбек журналистикаси тарихи, — дейди Шерзод Ҳамидович, — XX аср бошларига бориб тақалади. Зеро, «Тараққий» газетасининг биринчи сони чиққан кун мамлакатимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами сифатида белгилангани ҳам бежиз эмас. Журналистларнинг бу анъанавий байрами жорий йилда ўн бешинчи марта нишонланмоқда.

**— Бугун Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари мустақил ватанимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасидаги холис воситачи сифатида фаолият юритиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Шундай эмасми?**

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди... Цензурага йўл қўйилмайди», деб ёзиб қўйилган. Мустақиллик йилларида мана шу конституцион асосда матбуот соҳасида қатор қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир. Бу борада ишлар яна давом эттирилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари тизими вужудга келганлигини ҳам қайд этиб ўтмоқчиман. Бирин-кетин ташкил этилган хусусий матбуот нашрлари, радиостанциялар ва телеканаллар мамлакат ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллади. Бугун мамлакатимизда мингдан ортиқ газета-журналлар, радиоэшиттириш ва телевидение, агентлик ва интернет тизими бор. Уларнинг юзга яқини замонавий электрон оммавий ахборот воситалари эканлиги янада қувончлидир. Бу, албатта, катта куч ва салоҳиятдан дарак беради.

Қисқа қилиб айтганда, оммавий ахборот воситалари замонавий коммуникацион технологиялар билан жиҳозланди ва эркин фаолият кўрсатиши, ўз даврининг ҳақиқий кўзгусига айланиши, сўзнинг чин маъносида «тўртинчи ҳокимият» бўлиши учун замин яратилди.

**— Нафақат замин яратилди, балки шу йиллар давомида ўзбек журналистикаси тўла ислоҳ қилинди, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.**

— Тўғри айтдингиз. Президентимиз таъкидлаганларидек, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш республикамиздаги демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг муҳим шарти эканлигидан келиб чиқиб, демократик андозаларни мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятига қўллаш ҳозирги ОАВ ривожининг бош йўлига айланди. Журналистлар уюшмаси ҳам давр талабидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга, жумладан, оммавий ахборот воситаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга, журналистларимизнинг жамиятдаги янгиланишларда фаол иштирок этишларини таъминлашга, уларнинг касбий малакаси ва маҳоратини оширишга ёрдамлашишга бор куч-ғайратини сафарбар этмоқда.

**— Бу борада уюшма билан қандай ташкилот ва муассасалар ҳамкорлик қилмоқда?**

— Албатта, бу тадбирларнинг бир қисми республикамиздаги турли идоралар, уюшмалар ва фондлар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Жаҳон банки, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва бошқалар шулар жумласидандир.

**Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни**

Хусусан, ОАВда унинг фаолиятига оид қонунларга риоя қилиниши масаласини ўрганишда, шу соҳа бўйича бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда уюшмамиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борада «ОАВнинг жаҳон ва минтақавий миқёсдаги янгиликларни тезкорлик билан ёритишдаги устувор вазифалари» мавзусидаги конференция, «ОАВда реклама бериш маданияти ва тартиб-қоидалари», «ОАВнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзуларидаги семинарларни тилга олиш мумкин.

Мустақил матбуот жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси иштирокида ўтказилаётган тадбирларимиз ҳам ҳаётийлиги билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Турли мавзудаги семинар ва тренингларда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш, юз бераётган янгиланишлар, ислоҳотлар ҳаётбахшлигини халқ оммасига тезкор ва холисона етказиш каби долзарб масалалар муҳокама этилмоқда.

**— Мамлакатимизда журналистика соҳасида таъсис этилган «Олтин қалам» миллий мукофоти учун бу йил учинчи марта танлов ўтказилди. Ва айтиш мумкинки, танлов ОАВ ходимлари ўртасида кучли акс-садо бермоқда ва журналистларни янги ижодий парвозларга илҳомлантирмоқда. Шу ҳақда икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.**

— Хабарингиз бор, 2005 йилда уюшмамиз Жаҳон матбуоти эркинлиги куни — 3 майга бағишланган «Олтин қалам» Миллий мукофотини таъсис этиш ва халқаро танлов ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Мамлакатимиз раҳбарияти ва кенг жамоатчилик уни қўллаб-қувватлади. Ушбу мукофотни жорий этишдан мақсад халқаро ва миллий журналистика ютуқларини оммалаштириш, бу соҳадаги халқаро андозаларни ўзбек журналистикасига татбиқ этиш, журналистлар ўзларининг фуқаролик нуқтаи назарларини намоён қилишлари учун шароитлар яратиш, уларда ижодга эркин ва янгича ёндашувни шакллантириш эди.

Ўтказилган танлов натижалари шуни кўрсатмоқдаки, у журналистларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини янада оширишга ёрдам берди ва улар учун қайсидир маънода маҳорат мактаби вазифасини ўтади. «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов бундан буён ҳам анъанавийлик касб этаверади.

**— Мамлакатимиз Президенти журналист ихтисослашуви хусусида кўп гапирадилар. Зеро, бугунги давр матбуот ходимларидан айнан шуни талаб этмоқда. Бу борада қандай ишлар қилинмоқда?**

— Дарҳақиқат, бугунги кун журналистикаси олдида турган муҳим вазифалардан бири, бу журналистларнинг ихтисослашуви масаласидир. Негаки, журналист ёритмоқчи бўлган соҳанинг ўзига хос хусусиятларини чуқур билиши керак. Шундагина у кўтарилаётган масаланинг негизига етиб бораолади ва малакали таҳлили билан ўқувчилар, телетомошабинлар ва радиотингловчилар дунёқарашига катта таъсир кўрсатади. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети қошида ташкил этилган икки йиллик Олий журналистика курси бу йўналишда муносиб ишларни амалга оширмоқда. Мазкур курсга журналистикага иқтидори бўлган ва ОАВда материаллари билан қатнашиб келаётган бошқа соҳа мутахассислари ҳам қабул қилинади. Бу курснинг биринчи қалдирғочлари республика оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсата бошладилар. Ишонамизки, улар икки йил давомида олган назарий билимларини амалиётга қўллаб, салмоғи тош босадиган ўқишли материаллар тайёрлайдилар ва журналистикамиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Ҳазрат Навоий айтадиларки, «Бир калом дегилки, рост бўлсин». Дарҳақиқат, бизни қувонтирадиган жиҳати шуки, бугун элимиз журналистнинг сўзига ишонмоқда, унинг айтаётган чин каломига, ҳақиқатларига суяниб яшамоқда. Бизнинг мақсадимиз эса адолат ва ҳақиқатни дастур қилиб олган оммавий ахборот воситалари ходимларига янада кенгроқ имкониятлар яратиш, беминнат хизмат қилиш...

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

**Эсиргап БОЛИЕВ**
**суҳбатлашди.**

**Ибрат**

***«Саидносирхон» фермер хўжалиги — Ангор туманидаги илғор жамоалардан бири.***

## Фермернинг ҳиммати

213 гектар майдонда деҳқончилик қиладиган ушбу фермер хўжалиги бу йил 100 гектар ердан 600 тонна сара дон йиғиштириб олди. Эл-юрт хирмонига 300 тонна буғдой топширилди. 60 нафар ишчининг омбори эса ғаллага тўлди.

Эътиборли жиҳати, фермер маҳалласидаги эҳтиёжманд оилаларга икки ярим тонна, Бойсундаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига ҳам икки тонна буғдой тортиқ қилди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭКОЛОГИЯ ВА МАТБУОТ

***"Экосан" халқаро ташкилотида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан "Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзуида учрашув ўтказилди.***

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидландики, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар моҳиятини кенгроқ тушунтириш, аҳолининг экологик маданияти ва билимини юксалтиришда матбуотнинг хизмати бекиёсдир. Шу маънода, тегишли идора ва ташкилот мутахассисларининг журналистлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳар тарафлама фойдалидир.

**Тадбир**

Таҳлилларга қараганда, кейинги пайтларда марказий нашрларда экология мавзуси, хусусан, саҳроланишнинг олдини олиш, биохилма-хилликни сақлаш, тупроқ деградацияси, сув ва ҳавонинг ифлосланиши, заҳарли чиқиндиларнинг чиқарилиши ва унинг оқибатларига бағишланган кўплаб таҳлилий мақолалар эълон қилинди, телевидение ва радиода эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрланди. Бу эътиборга лойиқ, албатта. Аммо бугунги кун экология муаммолари матбуот саҳифаларида табиий бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланиш масалаларига кенгроқ ўрин бериш зарурлигини кўрсатмоқда.

Учрашувда "Экосан" халқаро ташкилотининг «Ёшлар йилига бағишланган мақсадли дастури ва лойиҳалари ёритилган энг яхши журналистик иши» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

**С. РАҲМОНОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, эътибор ва рағбатдан куч олган қишлоқ мулкдорлари нафақат салмоқ, балки сифат ва самарадорлик борасида ҳам ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Буни деҳқон меҳнатининг қадр топгани, уларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин.

## Андижонлик ғаллакорлар муваффақияти

Бу йил вилоятда шартнома шартларини бажариб, омборига тонналаб буғдой тўккан фермерлар хоҳлаганча топилади. Бу, ўз навбатида, деҳқончилик маданияти юксалиб бораётганидан далолатдир. У ер билан тиллашиб, воҳа иқлимига мос нав танлаш, тармоққа илғор технологияларни жорий этиб, табиий қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиш каби мезонлар билан белгиланади. Пировард-натижа эса ҳосилдорлик кўрсаткичи ва соф фойда билан ўлчанади. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда, бугун вилоят ғаллакорлари ўз меҳнатидан мамнун. Рентабеллик даражаси ўтган йилдагига нисбатан 1,2 фоизга ортиб, 33,4 фоизни ташкил этаяпти.

— 58 гектар ерда деҳқончилик қиламиз, — дейди Қўрғонтепа туманидаги "Ҳамкор водий" фермер хўжалиги раҳбари Мавлудахон Умарова. — Буғдой поялари бўлиқ бошоқдан эгилиб қолди. Мағзи тўқ дон тош босади-да. Гектар бошидан 72 центнердан ҳосил олдик. Жами ҳосилнинг 47 тоннаси ёнимизга қолди. Бу ўтган йилдагидан 17 тонна кўпдир. Ниятим — бу буғдойдан маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга улашиш.

Мавсумга пухта тайёргарлик кўрилгани боис ўрим-йиғим ишлари уюшқоқлик билан ўтаяпти. Ғалладан бўшаган майдонлар сомондан тозаланиб, пешма-пеш ҳайдалмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



***Қашқадарё вилоятида 507390 гектар суғориладиган майдон бор. Мелиоратив кадастр маълумотларига кўра, ҳозирги кунда шундан 260310 гектар ернинг ҳолати яхши, 216970 гектар майдон қониқарли ва 30110 гектар ернинг ҳолати қониқарсиздир. Буни аниқлашда сизот суви сатҳининг кўтарилиши ва тупроқнинг шўрланиш даражаси асосий мезон қилиб олинган. Шу маънода, агар 51160 гектар ўртача, 13830 гектар кучли шўрланган майдоннинг мавжудлиги ҳисобга олинса, вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирларни кенг миқёсда амалга ошириш зарурлиги аён бўлади.***

## *Мелиорация:*
# ИШЛАР КЎЛАМИ БЕҚИЁС

Тўғри, бундан 5-6 йил олдин воҳада суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати бундан-да ташвишли эди. Ер ости сизот сувларининг кўтарилиши натижасида тупроқнинг шўрланиш даражаси йиллар давомида ортиб борди. Коллектор ва дренаж тизими ишдан чиқди. Натижада қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги пасайди. Бу, айниқса, Қарши чўлида ўзлаштирилган ерларда яққол кўзга ташланди. Бироқ Муборак ва Нишон туманларида коллектор ва дренаж тизимини тиклаш туфайли кейинги йилларда пахтачиликда ҳосилдорлик 4-5 центнерга оширилди. Ғаллачилик соҳасида эса 10 центнергача ўсишга эришилди. Бу икки туман мамлакатимиз миқёсида ҳам йирик пахтакор туманлар эканлиги назарда тутилса, мелиорация ишлари натижасида кўрилган фойданинг салмоғини ҳис қилиш қийин эмас.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳани ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди, — дейди Аму-Қашқадарё ирригация тизими ҳавза бошқармасининг бошлиғи Ботир Раҳимов. — Юртбошимиз имзолаган «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги Қарорда эса мелиорация тизимини таъмирлаш ва тиклаш, бу ишда иштирок этувчи ташкилотларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар аниқ белгилаб берилди.

Мазкур дастурга мувофиқ, шу давр мобайнида вилоятимизда мавжуд мелиорация объектларини реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш учун 40581,4 миллион сўм маблағ сарфланади. 7747,8 километр узунликдаги зовурларда тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилади. Ҳозирги кунда барча участкаларда бу борадаги ишлар жадал олиб борилаяпти. Хусусан, 6 километр узунликдаги туманлараро «Сечанкўл», 7,2 километрлик хўжаликлараро «К-10» зовурлари реконструкция қилинаяпти. Яна 37 та лойиҳа бўйича 1608,58 километр узунликдаги мелиорация объекти ва 150 та тик дренаж қудуғида таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилаяпти. Бу ишларга 100 дан ортиқ экскаватор, кўплаб бошқа техника воситалари жалб этилган. Пировардида йил бошидан бери 370 километр узунликдаги зовурлар тозаланди.

Дарҳақиқат, вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирларнинг кўлами кенг. Бу ишларда Аму-Қашқадарё ирригация тизими ҳавза бошқармаси корхоналаридан ташқари «Эскианҳорқурилиш», «Зовурқурилиш», «Ҳисоракгидроқурилиш», «Қашқадарёмахсуссувқурилиш», «Маҳобатқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятлари жамоалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Дастурда белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун эса Косон, Яккабоғ, Касби ва Нишон туманларида янги ҳудудий давлат унитар корхоналари ташкил қилинди.

Тиббиётда «Беморни даволашдан кўра, касалликнинг олдини олиш осон», деган қоида бор. Бу қоида ердан фойдаланувчиларга ҳам тўғри келади. Айтайлик, тупроқнинг шўрини ювиш, сизот сувларини қочиришдан кўра, ерни эъзозлаш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланишнинг афзаллигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Вилоят сувчиларининг отахонлари, кўп йиллар давомида ирригация ва мелиорация тизимида ишлаган Хурсанд Тошев, Муҳаммади Рўзиев, Комил Амиров каби фахрийлар ёшлар билан мулоқотларда бу ҳақиқатни кўп бор такрорлашади.

Ҳисор тоғи тизмаларидан бошланадиган катта-кичик дарёлар, Амударё сувини еттита насос станцияси кучи билан чўлда ўзлаштирилган ерларга олиб келадиган «Қарши» бош канали, Зарафшон дарёсидан сув оладиган «Эски Анҳор» канали вилоятнинг асосий сув манбалари ҳисобланади. «Толлимаржон», «Чимқўрғон» ва «Ҳисорак» сув омборларида тўпланган оби ҳаёт ҳам вегетация даврида деҳқонга асқотади.

Ҳа, сув — экиннинг жони. Лекин ундан оқилона фойдаланилмаса, экологик фожиаларга ҳам сабаб бўлиши мумкин. «Ерни сув бузади», деб бекорга айтишмаган, ахир. Ҳар томчиси олтинга тенг сув исроф қилинса, ер кўллатиб суғорилса, ер ости сувларининг сатҳи кўтарилиб, тупроқ шўрланиб кетади. Шунинг учун вилоятда деҳқончилик маданиятининг туб масалаларидан бири — сувдан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

**Қарор ва ижро**

Баъзан «Бу йил ёғингарчилик кам бўлди, сув танқис бўладиганга ўхшайди», деган қабилдаги гапларни деҳқончиликка дахлдор бўлган одамлардан эшитиб қоламиз. Рости ҳам шу. Сел сувини тўплашга мўлжалланган кичик сув омборларини-ку қўяверинг, ҳатто тоғ бағридаги «Ҳисорак» ва Амударёдан сув оладиган «Толлимаржон» сув омборлари ҳам муттасил тўлмай қолаяпти. Лекин вилоят ирригаторлари ва гидротехникларининг сувни тежаб-тергаб сарфлаш бўйича амалга ошираётган тадбирлари туфайли ғаллакор ҳам, пахтакор ҳам зарур миқдордаги сувни олаяпти.

Сув танқислиги ҳақида гап кетганда, ҳамиша кўз олдимга вилоят ҳудудида пайдо бўлган «Сечанкўл» ва унга Жанубий коллектор орқали қуйилаётган сизот сув оқими келади. Кўлда чайқалиб ётган сувнинг адоғи кўринмайди. Унга ҳар лаҳзада бир дарёнинг суви қўшилиб туради.

— Сизот сувининг оқиб-чиқиб тургани яхши, — деганди бир куни ҳамроҳим бу ерда бўлганимизда. — Чунки ер тозаланади. Бу зовурларнинг ишлаётганини кўрсатади. Акс ҳолда, сизот суви сатҳи кўтарилиб, ерни шўр босади.

Ўшанда ҳамроҳимнинг гапига унчалик ишонқирамагандим. Негаки, сизот сувининг чиқиб кетгани яхши бўлса-да, лекин у қаердан пайдо бўлади? Экинни суғориб турган тоза сувнинг ўзи эмасми?

Шуни ҳисобга олиб, вилоят ирригаторлари ва мелиораторлари ернинг ҳолатини яхшилаш ишларининг кўламини кенгайтириш билан бирга, сувнинг ҳар бир томчисини қадрлаш тўғрисида жон куйдирмоқдалар. Одатда, бу сувнинг қадрини ҳам, ишнинг кўзини ҳам билган кишиларга хос хислатдир.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

